

Мусулмон одамга сариқ либос мумкин эмасми?

20:57 / 24.04.2016 3266

Савол: Ассалому алайкум Шайх хазратлари! Аллоҳ Сизни халқимиз учун соғ ва саломат қилсин!!! Сиз каби уламоларимиз сафи янада кенгайишини Аллоҳдан сўраб қоламан! Ҳазрат, мусулмон одамга сариқ либос мумкин эмасми? Сабабини билсак бўладими?

Жавоб: Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам эркак киши заъфарон чаплаб олишидан наҳйи қилдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Ушбу ривоятдаги заъфарон чаплашдан мурод баданга ва кийимга ёки иккисидан бирига чаплашдир. Заъфарон сариқ рангли бўлиб, у ранг бошқа диндагиларнинг шиори, аломат-белгиси бўлганидан шундоқ наҳий бўлган, дейдилар уламо аҳли.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мени тилло узук тақишдан, шойи кийишдан, рукуъ ва саждада қироат қилишдан ва сариқ ранг чапланган кийим кийишдан наҳйи қилдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан қилинган ушбу ривоятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини ва шу орқали бошқа эркак мусулмонларни ҳам тўрт нарсадан қайтармоқдалар.

1. Тилло узук тақишдан.

Мусулмон эркак нафақат тилло узук, балки тиллодан бўлган бошқа нарсаларни ҳам тақиши мумкин эмаслигини аввал ўрганиб ўтдик. Кумуш узук ҳақида, иншааллоҳ, келажакда сўз юритилади.

2. Шойи кийишдан.

Мусулмон эркакларга шойи-ипак кийиш ҳаром эканлигини ҳам аввал батафсил ўрганганмиз.

3. Рукуъ ва саждада қироат қилишдан.

Намоз ўқиётган одам рукуъга ёки саждага борганда Қуръон қироат қилиши мумкин эмас. У ҳолатларда тасбеҳ айтилади. Бу нарса ҳаммага маълум.

4. Сарик ранг чапланган кийим кийишдан.

Худди мана шу жумла туфайли ушбу ҳадиси шариф бу ерда келтирилган.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам устимда икки сарик ранг чапланган кийимни кўриб:

«Албатта, мана шулар кофирларнинг кийимларидандир», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Онанинг шунга амр қилдимми!?» дедилар.

«Уларни ювиб ташлайми?» дедим.

«Балки куйдириб ташла!» дедилар.

Ушбу заъфарон ва сап-сарик ранг чапланган кийим кийиш ҳақидаги наҳйилар фақат эркакларга хосдир. Аёлларга тааллуқли эмас.

Нима учун эркакларга бундоқ наҳйи келди, дейилса, бу ранглар маълум кофир тоифаларнинг шиори бўлгани, эътиборни жалб қиладиган бўлгани, ҳиди кучли бўлгани, аёлларга хос бўлгани учун, деган жавобни айтганлар уламо аҳли.

Усули фиқҳ илмида наҳйи-бирор нарсадан қайтариш ҳақида келган шаръий буйруқлар учга бўлинади; ҳаром, макруҳ ва танзийҳ. Ушбу масаладаги наҳйи мазкур уч қисмдан қайси бирига хос, деб савол қўядиган бўлсак, кўпчилик уламо аҳли, бу ердаги наҳйи танзийҳ учун, дейдилар. Яъни, макруҳдан ҳам кучсизроқ бўлиб, ўта тозалликни ирода қилиш учундир. Чунки, машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу соқолларига ва кийимларига хушбўй сарик нарса суртиб юрар, нимага бундоқ қиласиз, деб сўралса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундоқ қилганларини кўрганман, дер эканлар.